



THE ROLE OF GOVERNMENTAL BODIES AND PUBLIC ASSOCIATIONS IN THE PRE-COURT RESOLUTION OF INDIVIDUAL LABOR DISPUTES

Bahodir Mamasharifovich Hamrokulov

LLD, Professor, Department of Civil Law and International Private Law The University of World Economy and Diplomacy

Lazizkhon Tulkinovich Usmonov

Master's Student, Faculty of International Business Law
The University of World Economy and Diplomacy
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14868839>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2025
Accepted: 12nd February 2025
Online: 13rd February 2025

KEYWORDS

Labor relations, labor legislation, supervisory bodies, public associations, trade union, employee, employer, individual labor disputes, State Labor Inspector, prosecutor's office, representative, disagreement, internal documents, labor disputes commission.

ABSTRACT

This article examines the issues related to the monitoring of compliance with labor legislation and the supervision of its implementation by authorized state bodies and trade unions in the pre-trial resolution of individual labor disputes, as well as their significance and characteristics. Based on the legislation of the Republic of Uzbekistan and scientific doctrines, analyses of the main methods of protecting labor rights are provided.

РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ В ДОСУДЕБНОМ УРЕГУЛИРОВАНИИ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ТРУДОВЫХ СПОРОВ

Хамракулов Баходир Мамашарифович

Д.ю.н., профессор кафедры гражданского права и международного частного права
Университет мировой экономики и дипломатии

Усмонов Лазизхон Тулкинович

Магистр факультета международное бизнес право
Университет мировой экономики и дипломатии
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14868839>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2025
Accepted: 12nd February 2025
Online: 13rd February 2025

KEYWORDS

Трудовые отношения, трудовое законодательство, контролирующие органы,

ABSTRACT

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с проверкой соблюдения трудового законодательства и контролем за его исполнением уполномоченными государственными органами и профсоюзами при досудебном разрешении индивидуальных трудовых споров, а также их значимость и особенности. На основе законодательства Республики Узбекистан и научных



общественные объединения,
профсоюз, работник,
работодатель,
индивидуальные трудовые
споры, Государственный
инспектор труда,
прокуратура,
представитель, разногласие,
внутренние документы,
комиссия по трудовым
спорам.

доктрин приведены анализы основных методов
защиты трудовых прав.

ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ РОЛИ

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро
хусусий ҳуқуқ фанлари” кафедраси профессори, ю.ф.д.(DSc)

Усмонов Лазизхон Тўлқинович

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

“Халқаро бизнес ҳуқуқи” факультети магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14868839>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2025

Accepted: 12nd February 2025

Online: 13rd February 2025

KEYWORDS

Меҳнат муносабатлари,
меҳнат қонунчилиги,
назорат қилувчи органлар,
жамоат бирлашмалари,
касаба уюшмаси, ходим, иш
берувчи, якка тартибдаги
меҳнат низолари, Давлат
меҳнат инспектори,
прокуратура, вакил,
келишмовчилик, ички
ҳужжатлар, меҳнат
низолари бўйича комиссия.

ABSTRACT

Мазкур мақолада якка тартибдаги меҳнат
низоларини судгача ҳал этишда меҳнат
қонунчилигига риоя этилиши устидан текшириш ва
унинг ижроси устидан назорат қилишни амалга
оширувчи ваколатли давлат органлари ҳамда касаба
уюшмаларининг аҳамияти, уларнинг ўзига хос
хусусиятлари билан боғлиқ масалалар кўриб
чиқилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва
илмий доктриналарга асосан меҳнат ҳуқуқларини
ҳимоя қилишнинг асосий усулларининг таҳлиллари
келтирилган.

Кириш.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар қайси ижтимоий жамиятда меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш ва мазкур муносабатлар доирасида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу сабабли, қатор ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистон



Республикаси Конституциясида ҳам меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат қилиш эркинлигининг давлат томонидан кафолатланиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига асосан “меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланганлиги” якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган¹. Ушбу белгиланган кафолатларни таъминлашда давлат ўз функцияларини махсус ваколатли давлат органлари орқали амалга ошириши мумкин бўлиб, бунга кўра, мазкур ваколатли давлат органларнинг асосий вазифалари шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқараётган шарт-шароитларга барҳам беришга қаратилган бўлади.

Юқорида келтирилган вазифалар меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши ва уларнинг ижроси устидан назорат қилувчи органлар, ҳамда меҳнатга оид низоларни кўриб ҳал этувчи органлар томонидан амалга оширилишига қарамай, бу борада жамоат бирлашмаларининг ва ходим томонидан меҳнат ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишининг ҳам роли катта. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи ва меҳнат низоларини кўрувчи давлат органлари, шунингдек, жамоат бирлашмалари, ташкилотларга мурожаат қилиш ёки ходим томонидан меҳнат ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш усуллари (шакллари) мажмуини ташкил этади.

Жумладан, илмий соҳа вакиллари ҳам бузилган меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларни муҳофаза қилиш шакллари (усулларини) қуйидаги турларга бўлишган:

“- суд органлари орқали ҳимоя қилиш (универсал ҳимоя) шакли;

- меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан текшириш ва унинг ижроси устидан назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органлари кўринишида маъмурий ҳимоя шакли;

- жамоавий ҳимоя шакли, ходимларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиш орқали;

- коллегиял ҳимоя шакли - меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилиш;

- ходим ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши”².

Бироқ, якка тартибдаги меҳнат низоларини судгача ҳал этишда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг роли ҳақида гапирилганда, махсус ваколатли давлат органлари ва касаба уюшмаларининг ўрни аҳамиятли эканлигини эътироф этиш лозим. Негаки, якка тартибдаги меҳнат низоси мавжудлигининг энг асосий белгиси — бу ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари жараёнида юзага келган келишмовчиликлардан ташқари, ушбу келишмовчиликларни томонларнинг муҳокама

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 3-моддаси. / <https://lex.uz/uz/docs/6257288>

² А.А.Шувалова. “Способы судебной защиты трудовых прав и правовых интересов” диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук., Москва, 2019., 41-б.



қилиш жараёнида ҳал қила олмаганлиги ҳисобланади. Бунинг натижасида тарафлар меҳнат низоларини ҳал қилувчи махсус органларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Демак, якка тартибдаги меҳнат низолари ўз характерида кўра ходим ва иш берувчи ўртасида пайдо бўлган келишмовчилик ўзаро музокара босқичидан ўтган ва мурожаат эришилмаган, ёки улар томонидан тўғридан-тўғри ваколатли давлат органларига мурожаат этилиши билан фарқланади. Яъни, меҳнатга оид ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномалари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қоидалар, ички ҳужжатлар, меҳнат қонунчилигини) қўллашга қаратилган зиддиятлар уларни қонуний кўриб чиқувчи органлар иш юритувига қабул қилиниши натижасида “меҳнат низоси” шаклида намоён бўлади.

Бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Ходим ёки иш берувчининг низони ҳал этилишини сўраб ваколатли органга мурожаат қилиши меҳнат низоси юз берганини кўрсатувчи муҳим белги саналади”³, ҳамда “тарафлар ўртасида мавжуд келишмовчиликнинг дастлабки музокаралар ёрдамида тартибга солинмаганлиги якка тартибдаги меҳнат низоларининг таркибий қисми ҳисобланади”⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига асосан якка тартибдаги меҳнат низолари меҳнат низолари бўйича комиссиялар ёки суд томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилиши мумкин. Мавжуд меҳнат низосини ҳал этишда меҳнат низолари бўйича комиссияга ёки судга мурожаат қилиш ходимнинг танлови асосида амалга оширилади. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилувчи органлар ва жамоат бирлашмаларидан фарқли равишда меҳнат низоларини мазмунан кўриб чиқиб, низо юзасидан мажбурий характерга эга якуний қарор қабул қилишлари билан фарқланади. Бироқ, қонунчиликда белгиланганидек, меҳнат низолари судгача фақат меҳнат низолари бўйича комиссияда ҳал этилади.

Жумладан, “касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари қонунчиликда ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби белгиланганидан меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга”⁵. Унга кўра, касаба уюшмалари ходимларнинг вакиллари сифатида меҳнат низоларини ҳал этиш органларида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли. Яъни, якка тартибдаги меҳнат низоси судгача меҳнат низолари бўйича комиссияда кўриб чиқиш жараёнида касаба уюшмаси вакили ходимларнинг қонунчиликда белгиланган бир қанча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлиб, мазкур тартиб ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини максимал даражада муҳофаза этилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, якка тартибдаги меҳнат низоларини судгача ҳал этиш, ходимлар ва иш берувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини муҳофаза қилишда меҳнат қонунчилиги

³ Муаллифлар жамоаси: Усманова М.А., Саримсакова Г.К., Исмоилов Ш.А., Исроилов Б., Рахимберганова Б.Д., Тешаев Н., “МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ” дарслик., ТОШКЕНТ – 2018, 464-б.

⁴ Трудовые споры и их урегулирование : учеб.-метод. пособие / А. Г. Авдей [и др.] ; под ред. У. Хельманна [и др.]. — Минск : Изд. центр БГУ, 2015г. 50-б.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни 35-моддаси 1-қисми. / <https://lex.uz/uz/docs/4631281>



ва меҳнатга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан текшириш ва назоратни амалга оширувчи давлат органлари кенг қамровли комплекс ваколатларга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3913-сонли Қарорига асосан тузилган Давлат меҳнат инспекциясини келтириш ўринлидир.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига қарашли Давлат меҳнат инспекцияси ушбу вазирликнинг таркибий бўлинмаси бўлиб, у иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, аҳолининг бандлиги, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ҳамда меҳнат стандартлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ва текширувини амалга оширади”.

Мазкур ваколатли давлат органи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисида” ги низомига асосан амалга оширади.

Унга кўра, давлат меҳнат инспектори меҳнат ва уни муҳофаза этиш соҳасидаги давлат назоратига мувофиқ қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича керакли чоралар кўришда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, ўзига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари меҳнат ва уни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик, меҳнатга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари бузилишини, ҳамда, уларнинг вужудга келишига сабабчи бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳақида юқори турувчи ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, айбдор бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларга тақдимномалар (кўрсатма ва таклифлар) киритиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 25-моддасида эса давлат меҳнат инспекторларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш иш берувчининг мажбуриятларидан бири сифатида мустаҳкамланган.

Меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг улар орасида келиб чиққан яқка тартибдаги меҳнат низолари юзасидан қилган мурожаатлари асосида Давлат меҳнат инспекцияси ваколоти доирасида текширувларни амалга оширади. “Бунда, давлат меҳнат инспекторлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ва текширувини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш берувчиларни қонунчиликда белгиланган тартибда режали ҳамда режадан ташқари текширувлардан ўтказди”⁶.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 536-моддаси. / <https://lex.uz/uz/docs/6257288>.



Биргина, 2021 йилнинг август ойидан 2025 йилнинг февраль ойига қадар давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари бўйича бутун Ўзбекистон Республикасида 18807 та текшириш ва ўрганишлар олиб борилганлиги, 49488 та ҳуқуқбузарликлар аниқланганлиги бунга мисолдир⁷.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида барча қонунларнинг бир хилда, аниқ бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадilar. “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат”⁸.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ прокуратура органлари ҳам ходим ва иш берувчи сифатида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мурожаатларини (ариза, шикоятларини) кўриб чиқиш, мурожаатлар бўйича текширишлар ўтказиш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари хусусида тушунтиришлар бериш, ҳуқуқбузарликларга имконият яратаётган сабабларни бартараф этиш бўйича таъсир чораларини қўллашга ҳақли. Якка тартибдаги меҳнат низолари бўйича мурожаат қилинганда прокурор мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида қарор, тақдимнома, протест каби назорат ҳужжатларини қабул қилади.

Яъни, иш берувчининг ғайриқонуний буйруғи туфайли низо келиб чиққан тақдирда, ходимнинг мурожаатини ўрганиш натижасида прокурор протестни ана шу ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахсга (органга) ёки унинг юқори турувчи органига келтиради. Шунингдек, иш берувчи ходимга нисбатан унинг меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини бузган тақдирда, прокурор иш берувчи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бундан ташқари, прокурор меҳнат қонунчилиги бузилиши ва унинг вужудга келиши сабабларини, шунингдек, мазкур қонунбузилиш ҳолатини келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли мансабдор шахсга (ёки ваколатли органга) тақдимнома киритиши мумкин. Бунинг натижасида меҳнат низолари судгача етиб бормасдан, жойида ҳал этилишига замин яратилади.

Шу билан бирга, прокуратура органларининг якка тартибдаги меҳнатга оид низоларни ҳал этишда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларнинг манфаатларида судга ариза киритиши мумкинлигини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига асосан “қуйидагилар якка тартибдаги меҳнат низосининг кўриб чиқиши учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

- 1) ходим ёки касаба уюшмаси қўмитаси;

⁷ Очiq маълумотлар портали, “Давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари” статистикаси. <https://data.egov.uz/data/61025bdf2a2e256d868e82f5> (2025 йил 29 январда олинган).

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни 2-моддаси. / <https://lex.uz/uz/docs/106197>.



- 2) Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари;
- 3) иш берувчи, у меҳнат низолари бўйича комиссиянинг қароридан норози бўлганда, шунингдек ўзига ходим томонидан етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;
- 4) қонунчиликда белгиланган тартибда адлия органлари;
- 5) прокурор”⁹.

Хулоса

Ушбу мақоланинг асосий хулосаси сифатида шунини келтириш мумкинки, яқка тартибдаги меҳнат низоларини судгача ҳал этишда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни ва текширишни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, касаба уюшмаларининг иштироки аҳамиятлидир. Мазкур субъектларнинг асосий мақсади ҳам мамлакатда меҳнат муносабатлари тарафларининг конституциявий ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқий низони ҳал қилиш, шунингдек, адолатни ҳам тиклашдан иборат.

Ушбу ваколатли субъектлар яқка тартибдаги меҳнат низоларини судгача бартараф этиш орқали суд органларининг иш юкласини камайтирибгина қолмай, ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш ёрдамида жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий мувозанатни сақлашда муҳим рол ўйнайди.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси — <https://lex.uz/uz/docs/6257288#6268748>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/uz/docs/4631281>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни / <https://lex.uz/uz/docs/106197>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3913-сонли Қарори / <https://lex.uz/uz/docs/-4213627>.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1066-сонли қарори / <https://lex.uz/uz/docs/-4143044>.
7. А.А.Шувалова. “Способы судебной защиты трудовых прав и правовых интересов” диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук., Москва, 2019.
8. Муаллифлар жамоаси: Усманова М.А., Саримсакова Г.К., Исмоилов Ш.А., Исроилов Б., Рахимбергана Б.Д., Тешаев Н., “МЕХНАТ ҲУҚУҚИ” дарслик., ТОШКЕНТ – 2018.
9. Трудовые споры и их урегулирование : учеб.-метод. пособие / А. Г. Авдей [и др.] ; под ред. У. Хелльманна [и др.]. — Минск : Изд. центр БГУ, 2015г.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 559-моддаси. / <https://lex.uz/uz/docs/6257288>.



10. Очiq маълумотлар портали, “Давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари” статистикаси.
<https://data.egov.uz/data/61025bdf2a2e256d868e82f5> (2025 йил 29 январда олинган).